



16-noyabr 2023-yil 46 (1044)



www.21asr.uz



@XXLasr\_yangiliklari



XXLasrgazetasi



xxi\_asr@mail.ru



asr\_xabarлари\_news



## ҚУТЛУФ САНАГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

15 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O'zLiDeP) ташкил топганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари ва тарафдорлари, сиёсий куч фахрий аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, O'zLiDeP бундан йигирма йил муқаддам тадбиркорлар ва фермерлар манфаатининг ифодачиси сифатида сиёсий майдонга кириб келган эди. Ушбу йиллар давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзига хос давр – мамлакат ўз тараққиётида жамият ҳаётини эркинлаштириш ва мамлакат сиёсий тизимини ислоҳ қилишдек муҳим паллага кирган босқич эди.

ишлар, ўз навбатида, эл-юрт дардига малҳам бўлишни, халқимиз манфаатлари йўлида фаол иш олиб боришни истовчи фуқароларимиз, айниқса, шижоатли ёшларимизни ушбу сиёсий куч сафига етаклади. Натижада ўтган 20 йил ичида O'zLiDeP Ўзбекистоннинг энг ёш партиясидан ўз сафида 1 миллион 300 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирувчи, салоҳиятига кўра Марказий Осиёдаги энг йирик сиёсий кучлардан бири даражасига кўтарилди.

O'zLiDePнинг мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича ташаббускорлардан бири сифатида чиқиши асосида ҳам бевоcита халқ ичида олиб борилган кенг кўламли фаолият натижалари ётганини айтиб ўтиш лозим. Конституциявий ислохотлар жараёнида партия ташаббуси билан давлат ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиши, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли

## БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашига

Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси, O'zLiDeP Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А. Хаитов, Сизни ва Сиз орқали барча партия аъзоларини Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан самимий табриклайди!

Ўзаро алоқа ўрнатилганидан буён ХКП ва O'zLiDeP яқин ва дўстона ҳамкорлик қилиб келмоқдаки, бу умуман хитой-ўзбек муносабатлари ривожига ижобий ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

ХКП бундан буён ҳам O'zLiDeP билан алоқаларини давом эттириш ва янада кенгайтиришга, давлатларимизни модернизация қилиш жараёнида ўзаро тажриба алмашиш ва қўллаб-қувватлаш йўлидан боришга, икки халқ ўртасидаги анъанавий дўст-



лик муносабатларини ривожлантиришга тайёрлигини билдиради.

O'zLiDePга Янги Ўзбекистонни барпо қилиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Хурмат билан,

Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси

2023 йил 15 ноябрь


Хурматли Ақтам Аҳмадович!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилинг.

Сиз раҳбарлик қилаётган сиёсий партия катта йўлни босиб ўтиб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид долзарб масалаларни ҳал этишга қодирлигини намоён қилди ва шу билан нафақат мамлакат ичида, балки хорижда ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонди.

O'zLiDePнинг мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлаймиз. Россия ва Ўзбекистоннинг кўптомонлама муносабатларини янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлидаги ҳамкорлигимиз давом этади, деб ишонамиз.

“Единая Россия” ва O'zLiDePни 2019 йил 5 сентябрда имзоланган



ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан тасдиқланган дўстона алоқалар боғлаб турибди. Аминманки, ушбу партиялараро диалог халқларимизнинг манфаатлари йўлида бундан кейин ҳам босқичма-босқич ва самарали ривож топиб бораверади.

Сизга, хурматли Ақтам Аҳмадович, ва Сиз орқали барча партия аъзоларига янги сиёсий муваффақиятлар, тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

“Единая Россия” партияси раиси Д. А. Медведев

O'zLiDeP Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А. А. Хаитовга

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 20 йиллиги муносабати билан “Аманат” партияси жамоат бирлашмаси номидан партиянгизнинг барча аъзоларига самимий табригимизни йўллаймиз!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 20 йиллик тарихи давомида тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий куч сифатида сайловчиларнинг ҳурмати ва эътирофини қозона олди.

Бой сиёсий тажрибага эга Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислохотларда давлат раҳбарининг таянчи бўлиб қолмоқда.



Ўзбекистон кучли ва барқарор давлат қуришда, тизимли ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишда ва иқтисодий муваффақиятли ривожлантиришда катта ютуқларга эришти. Ушбу ютуқлар Ўзбекистоннинг минтақада етакчи ўринга чиқиши ва Қозоғистон ҳамкорлари орасида лидерлардан бирига айланишини таъминлади.

Биз ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишонч таъминлашга асосланган Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатларидаги ижобий динамикани юксак баҳолаймиз. Ўз навбатида, партияла-

раро алоқалар доирасида “Аманат” партияси бундан кейин ҳам давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга тайёрлигини билдирадими, бу минтақамизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Ушбу тантанали кунда яна бир бор Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига ўз ҳурматимизни изҳор қилиб, халқ фаровонлиги йўлидаги мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ютуқлар тилаб қолаемиз!

Хурмат билан,

“Аманат” партияси ижроичи котиби Д. Карибек



Шундай пайтда ҳар қандай эркин жамиятнинг таянч бўлини бўлмиш ўрта мулкдорлар қатлами манфаатини ифодаловчи партиянинг ташкил этилишини даврнинг ўз талаб қилаётган эди.

Қайд этиш зарурки, O'zLiDeP шаклланиши ва ривожланишининг ҳар бир даври мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги муҳим жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечди. Муҳими, партия мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида элу юртни ўйлантирган, халқ манфаатларига бевосита дахлдор ғоялар, қарашлар билан ўртага чиқди. Шу туфайли сиёсий саҳнага кириб келган илк йилларданок мамлакатдаги етакчи партиялардан бирига айлана олди ва ўтган йиллар давомида ана шу мақомни қўлдан бермай келмоқда.

Партия томонидан амалга оширилаётган тизимли лойиҳалар эса кўплаб ёшлар, аёлларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида ўз ўрнини топишга, тадбиркорлар ва фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиб келмоқда. Буларнинг барчаси O'zLiDePни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас бир қисмига айлантирди. Ерқин ташаббуслар, амалий

эканлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матнига кирганини алоҳида таъкидлаш зарур.

O'zLiDeP Янги Ўзбекистон даври очиб берган янги имконият – хорижий давлатларнинг етакчи партиялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мамлакатимиз раҳбарининг очиқлик ва ўзаро ишончга асосланган ташқи сиёсатини партиялараро алоқалар даражасида ривожлантиришга ҳисса қўшишда давом этаверади.

O'zLiDePнинг 20 йиллигига бағишланган тадбирда партия билан ҳамкорлик қилаётган Туркиянинг “Адолат ва тараққиёт” партияси, Хитой коммунистик партияси, Озарбойжоннинг “Ени Азербайжан”, Россиянинг “Единая Россия”, Қозоғистоннинг “Аманат” партиялари табриклари ўқиб эшиттирилди.

Тадбирда партия фаоллари сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар ва галдаги устувор вазифалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

# БУ - МЕНИНГ ПАРТИЯМ!



2003 йил 15 ноябрь – 2023 йил ноябрь!

20 йил ўтибди ордан. Кўп эмас дейсизми, кам ҳам эмас-да! Ана шу йиллар давомида партиямиз катта сиёсий кучга айлангани ҳақиқат. Ҳозирги кунда ўз сафида бир миллиондан ортиқ аъзони бирлаштириб турган партия албатта катта кучга эга эканлиги аниқ.

Партия “Аёллар қаноти” сиёсий куч илк ташкил этилган даврда тузилган ва ана шу давр ичида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўзининг салмоқли хиссасини кўчиб келмоқда. 30 дан ортиқ лойиҳалар ташаббускори ва уларни муваффақиятли амалга ошириб келаётган.

Ушбу лойиҳалар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамиятдаги нуфузини кучайтириш, ташаббусларини қўллаб қувватлаш, янги билимларни



Мавлуда ХУЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича уринбосари

ўзлаштириши ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш каби бир қатор масалаларга қаратилган бўлиб, ўзининг натижасини бермоқда. Партиямизнинг сиёсий майдонда янада фаол иштирок этиши ҳамда унинг гуллаб-яшнашига елкама-елка туриб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилаверамиз!

Партиямизнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Буни унга ихтиёрий бирлашган кўп-миллионли аъзоларимизнинг ҳамжиҳатлиги, юрт тараққиёти ва равнақи йўлида астойдил интилишлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Том маънода партиямизнинг нуфузи бугунги куннинг, янгилаб бораётган ҳаётимизнинг, маънавияти, маданияти ва сиёсий тафаккури юксалаётган халқимизнинг орзу интилишлари, келажакка ишончи ва юртга садоқати тимсолида намоён бўлмоқда. Айтмоқчиманки, партиямиз ташкил этилганига 20 йил тўлган бўлса, ўтган бу вақт фақат юксалиш, ривожланиш ва олдинга интилиш даври бўлди. Мамлакатимиз эришган ва эришаётган барча ютуқлар замирида O'zLiDeP етакчи сиёсий куч сифатида салмоқли ҳисса кўчиб келмоқда.

Бу байрам нафақат шу партияга мансуб инсонларнинг, балки бутун халқимизнинг қутлуғ



Адхам ШОДМОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

айёמידир. Чунки юртимиздаги тараққиёт ва ривожланиш, халқимизнинг эртанги ёруғ кунларга ишончини мустаҳкамлашда бу сиёсий кучнинг хиссаси беқиёс. Фурсатдан фойдаланиб, барча сафдошларимни партиямиз ташкил топган кунга 20 йил тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этаман.

O'zLiDePнинг етакчилиги мақоми, нуфузи янада юксалиб бораверсин!

Партиямизнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ мамлакат либерал ислохотлар йўлидан бормоқда. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, чуқур маъмурий ислохотлар, суд-ҳуқуқ тизими, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий кучнинг ўз муносиб хиссаси бор.

Бугун O'zLiDeP давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги мақсад ва вазифалари, барча соҳаларда эришилган ютуқларни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишда парламент ва халқ дипломатияси салоҳиятидан максимал даражада фойдаланилишига кўмаклашиб келмоқдаки, бу албатта ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон-

га юз тутиши, хорижий мамлакатлар билан мила-латлараро муносабатлар, дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришда камарбаста бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига мустаҳкам замин яратади.

20 йиллик тарихий даврни муваффақиятли босиб ўтган партиямизнинг дастурида ғоят ўринли таъкидланганидек, битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.



Виктор ПАҚ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Буюк аждодимиз Амир Темур салтанатида савдогарларга сармоясини қайта тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда маблағ ажратилишига алоҳида эътибор қаратилган. Айни кунимизда ҳам тадбиркорлар ва ишбилармонлар иқтисодий тараққиётимизнинг етакчи кучи сифатида муносиб қадрланмоқда. Чунки бу қатлам ҳар қайси даврда мамлакат иқтисодиёти ривожланишида муҳим таъсирга эга бўлган. Бир тарафдан улар халқ эҳтиёжларини қондирсалар, иккинчи томондан божу солиқлар тўлаш орқали давлатнинг қудратини оширишга хизмат қилганлар. Аҳолимизнинг ана шундай бунёдкор тоифасини бир ҳаракат сифатида бирлаштирган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганига 20 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида O'zLiDeP сиёсий майдонда лидерлик мавқеига эришиб, давлатимиз тараққиётини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар ташлай олди.

Партиямиздан Ўзбекистон Респуб-



Нодир ЖУМАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

каси Президенти лавозимига 5 маротаба номзод кўрсатилган бўлса, барча сайловларда мутлақ кўпчилик овоз билан ғалаба

қозонилди. Парламент сайловларида ҳам муносиб иштирок этиб келинмоқда. Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтган 4 та сайловда партия номзодлари энг кўп ўринларни қўлга киритишди.

Бир сўз билан айтганда, O'zLiDeP мустақил Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттиришни мақсад қилганларни ўз атрофида жипслаштириб, ўтган 20 йил мобайнида мамлакатимиздаги энг йирик сиёсий кучга айланди. Ҳозирги вақтда аъзолари сони 1 миллион уч юз мингдан ошган ва бу борада ҳам республикадаги энг йирик партия ҳисобланади.

O'zLiDeP фаолияти Ватанга муҳаббат, юрт тарихи ва унинг кўп миллатли халқи анъаналарига ҳурмат каби қадр-иятларга асосланади. Барча депутатларимиз, тарафдорларимиз ва фаолларимизни ушбу қутлуғ сана муносабати билан чин юракдан табриклайм!



Дониёр ФАНИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Партиямизнинг йигирма йил давомида улкан ютуқларга эришгани, муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларини реалликка айлантира олгани ва, энг асосийси, мамлакат ҳаётида етакчи сиёсий куч сифатида муносиб ўрнини тополгани бугун ҳаммамизни гурурлантирмоқда.

Президентимиз бошчилигида демократик қадриятлар ва тамойилларни тарғиб қилиш йўлидаги фидойилигимиз орқали барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда сезиларли ютуқларга эришдик. Хусусан, охириги

йилларда мамлакатда етакчи сиёсий куч ва ҳокимиятга эга партия сифатида “Ҳаракатлар стратегияси”, “Тараққиёт стратегияси” ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси каби муҳим ҳужжатларни нафақат ишлаб чиқиш, балки ҳаётга татбиқ этишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

O'zLiDePнинг иқтисодий ислохотларга қатъий интилиши иқтисодиётни диверсификация қилиш, хорижий сармояларни жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари учун янги имкониятлар яратишга йўл очмоқда. Шунингдек, инфраструктурани ривожлантириш, транспорт тармоқларини яхшилаш ва халқимиз учун муҳим хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга партиямиз сайловолди дастурларида устувор аҳамият қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

O'zLiDePнинг 20 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим: Ўзбекистон халқига хизмат қилиш ва Ватанимизнинг ёруғ келажиги йўлида фидойилик кўрсатиш нафақат партиямизнинг, балки ҳар бир сафдошимизнинг ҳаётий мақсадига айланганига заррача шубҳа қилмайман. Партиямизнинг келажакдаги фаолияти ва бўлғуси сайловлардаги иштирокида омад ва муваффақиятлар тилаб қоламан.



Акшагул ТУЛАГАНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Шу кунга қадар халқимиз ва Ватанимиз ҳаёти, тараққиётида муҳим роль ўйнаган, жуда қисқа муддат ичида етакчи партияга айланган, қолаверса, ўз сафларида бир миллиондан ортиқ аъзони жамлаган қадрдон партиям билан ҳар қанча фахрлансам арзийди.

Ўзбекистон чин маънода эркин, демократик, тенг ҳуқуқли давлат сифатида дунёга танилмоқда. Оддий мисол: бугунги кунда юртимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил, иноқ яшаб келишмоқда. Ўзимдан қиёс, қозоқ миллатининг бир вакиласи сифатида парламент қўйи палатаси депутатиман. Менга минглаб навоийлик сайловчиларим ишониб овоз берган эди. Албатта, бир оёғим пойтахтда бўлса, бир оёғим ҳамшиша ўзимнинг округимда. Нега десангиз, кечаю кундуз ортимда турган сайловчиларимнинг қувонч, дарду ташвишларига шерик бўламан. Улар меннинг суянч тоғларим эканини чин юракдан ҳис қиламан.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин азиз партиядошлар!



Эркин ЗОҲИДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кластерлар, фермер ва деҳқон хўжалиқларида замонавий технологияларни, янги илмий ишланмаларни кенг жорий этиш O'zLiDePнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мамлакатимиз қонунчилигини демократик тамойиллар асосида ривожлантириш ва иқтисодиётимизни жадал суръатлар билан ўсишини таъминловчи янги қонунлар яратиш ва ерларни ҳудуд ва тармоқлар кесимида тўла ва самарали бажарилиши устидан парламент назорати ва таҳлилини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ишларни амалга оширишда ҳукумат вакиллари, вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш фракциямизнинг устувор масаласи бўлиб қолмоқда.

Энг асосийси, сиёсий куч Президентимиз бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг натижадорлигини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрланадиган халқпарвар жамият қуришни пировард мақсад қилиб белгилаган ва келгусида ҳам шу йўлда ўз фаолиятини жадал олиб бораверад.



# ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

## Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам ХАЙТОВ билан суҳбат

– Ақтам Аҳмадович, аввало, 2003 йилнинг 15 ноябрида ташкил этилган, бугун Сиз етакчилик қилаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганининг йигирма йиллик қўтлуғ санаси муносабати билан ушбу сиёсий кучнинг барча аъзолари, хайрихоҳларини самимий қўтлаймиз!

– Ташаккур.

– Бугун ана шу ўтган салмоқли давр сарҳисоб этил-  
япти. Тўғрими?

– Албатта, табиийки, йигирма йил тарих саҳифаси учун арзимас туюлар, лекин бизнинг партиямиз учун ўзига хос тарихий синовлар даври бўлгани боис ғоят қадридлир. Эслайлик, 2000 йилларнинг бошларида мамлакатимизда жамият ҳаётини эркинлаштириш ва мураккаб сиёсий тизимни ислоҳ қилишдек жиддий бир босқич ҳукм сураб эди.

Айнан шундай пайтда сиёсий саҳнага ҳар қандай эркин жамиятнинг таянч бўғини бўлмиш ўрта, яъни мулкдорлар қатлами манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ифодаловчи ва керак бўлса ҳимоя қилувчи сиёсий кучнинг кириб келиши замон тақозоси эди.

О'zLiDePнинг 2003 йил 15 ноябрь кўни бўлиб ўтган тарихий таъсис съезди Ўзбекистонда ана шундай партия сиёсий майдонга кириб келганини кенг жамоатчиликка эълон қилди.

О'zLiDePнинг дастурий мақсадлари Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган, бутун мазмун-моҳиятини “Инсон қадрини унун” деган юксак ғоя ташкил қилаётган туб ислохотларга тамомла мос ва ҳамоҳанглиги ҳамда уларни изчиллик билан амалга ошираётганимиз юксак ишончини оқлашга интилаётганимизни исботлайди деб уйлайман.

– Яна ортга, бундан 20 йил аввалги О'zLiDeP тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг нафақат ташкил этилиш даври, балки шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари ҳам осон, силлиқ кечмаганини кўраемиз.

– Албатта, ўтган йиллар бирма-бир таҳлил этиладиган бўлса, ана шу даврнинг ҳар бир босқичи халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеаликлар билан боғлиқ ҳолда кечганини кўришимиз мумкин. Энг муҳими, О'zLiDeP мамлакат тараққиёти, халқимиз ва юртимиз манфаатларига бевосита дахлдор бўлган муҳим ҳаётий масалалар, дастур ва лойиҳалар билан сиёсий саҳнага чиқа олди. Бу партиянинг ҳар доим давлат манфаатларидан келиб чиқиб, халқ дарди билан, ўз электорати талаб ва эҳтиёжлари билан яшаганини кўрсатади. Бунинг исботини партиянинг ўтган йигирма йил давомида барча сайловларда муваффақиятли иштирок этганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон сиёсий ҳаётида етакчилик мақомига эришган партиямиз ўтган йиллар давомида ўз фракцияси орқали мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларидаги гуруҳлари орқали ҳудудларни ривожлантириш борасида қабул қилинаётган дастурларнинг тўлақонли ижросини таъминлашда ҳам фаол иштирок этиб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда сони 14 минг 500 дан ошган бошланғич партия ташкилотлари тармоғи орқали аҳоли ва меҳнат жамоалари ичига кириб бориб, учраётган айрим муаммоларни ижобий ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

– О'zLiDePнинг истиқболли лойиҳалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Партиямиз томонидан амалга оширилаётган тизимли лойиҳалар ўтган йиллар давомида кўплаб ёшлар, хотин-қизларни мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида ўз ўринларини топишига, тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига кўмак берди, десам муболаға бўлмайди. Шундай лойиҳалар қаторида О'zLiDePнинг брендида, ёшларнинг, аёлларнинг, тадбиркор ва фермерларнинг ҳақиқий кўмакдошига айланган “О'zLiDeP ёшлар минбари”, “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови, “Бунёдкор аёллар”, “Соғлом оила – мустақам оила”, “Диплом билан бизнесга”, “Ёш сиёсатчилар лигаси”, “О'zLiDeP ёшлар билан” каби амалий ишларимизни алоҳида санаб ўтишим мумкин.

– Бир миллион 300 мингдан зиёдроқ аъзони бирлаштириб турган сиёсий кучнинг йиллар ўтгани сайин салоҳияти, қамров даражаси, жамоатчилик орасидаги нуфузи яна ошиб бораётгани бежиз эмас-да...

– Яна бир маълумотга эътибор қаратишингизни истаган бўлардим: бугун партиямиз сафаридаги ёшларнинг сони 710 мингдан ошиб кетгани ёки аъзоларнинг 54,6 фоизини, аёллар эса 52,7 мингга ёки аъзоларнинг 40,5 фоизини ташкил қилаётгани О'zLiDeP илгари сураётган ғоялар жамиятнинг турли табақалари орасида қанчалик кенг оммалашаётгани, ўз тарафдорлари сони тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Маълумки, 2016 йилдан мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни шакллантириш борасида бошланган кенг кўламли ишлар юртимиз тараққиётнинг янги босқичида ўз олдига ниҳоятда юксак мақсадларни қўйганини яққол кўрсатди. Бу эса мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бири бўлган О'zLiDePдан ҳам ўз дастурий тамойилларини ҳамда иш услубини янги давр талаблари даражасига олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугун инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини



таъминлаш олий қадрият даражасига чиққан, ҳукумат идораларини халққа яқинлаштириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган бир даврда О'zLiDeP ҳам аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб бориш, юрдошларимизни ўйлантираётган турли муаммоларни ҳал қилиш борасида янада фаол ҳаракат қила бошлади. Бу эса партия томонидан хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, депутатлик, жамоат назорати йўналишларидаги ишларни янада фаоллаштириш ва энг асосийси, одамларни рози қилишдек ғоят масъулиятли вазифага жиддий эътибор қаратилишига олиб келди.

Оддий мисол: партиямиз мамлакатимиз Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича ташаббускорлардан бири сифатида майдонга чиқиши асосида ҳам бевосита халқ ичиде олиб борилган кенг кўламли фаолият натижалари ётганлигини айтиб ўтиш лозим.

Яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мамлакат тараққиёти асосий йўналишларини аниқ белгилаб берган дастурий ҳужжат бўлди. Ундан ўрин олган асосий вазибалар, жумладан 100 та устувор мақсад, мамлакатимиз, қолаверса, унинг ҳар бир ҳудудининг барқарор ривожланишини, муҳим соҳалар бўйича юксалиш вазибаларини ўзида акс эттирган.

Партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазибаларни сўзсиз бажаришни таъминлаш боробарида айнан “Ўзбекистон – 2030” да кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, партиянинг барча тузилмалари ва бўғинлари фаолиятини ушбу масалаларга йўналтириш бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим ҳаётий вазибалардан бирига айланган. Ушбу стратегия доирасида кўзда тутилган йўналишларнинг аксарияти партиямиз электорати бўлиб тадбиркорлар ва фермерлар бундан кейин ҳам жамиятни илгари сурувчи локомотивлар бўлиб қолаётганини исботлайди.

Шундай шароитда уларнинг номидан сиёсий майдонда фаолият юритаётган О'zLiDeP мақсад дастурий ҳужжатда белгиланган масалалар юзасидан бутун масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ўзи учун янги босқичдаги йўл-йўриқ аниқ белгилаб олмоқда. Қисқа муддатларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгилаб берилган долзарб вазибаларни амалга ошириш бўйича биз ўз ҳаракатлар дастурида, яъни “Йўл харита” мизини ишлаб чиқиб, партиянинг ҳар бир бўғини олдида турган йўналишлар бўйича амалий ишларни бошлади.

Албатта, партия ўз дастурларини рўёбга чиқаришда яқин ҳамкорлари бўлган фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари билан биргаликдаги ишларини бундан кейин ҳам давом эттиради. Улар ёрдамида аҳолининг бошқа қатламлари вакиллари юртимиз келажагига дахлдор бўлган дастурий ишларни амалга ошириш, ягона мақсад атрофида жипслаштириш йўлидан бораверади.

– Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси фаолияти хусусида ҳам сўзлаб берсангиз?

– Партиянинг дастурий режалари ва сайловолди платформасида белгилаб қўйилган асосий йўналишлари ижросини таъминлашда, албатта, парламентдаги ушбу йирик фракциянинг ҳам ҳиссаси салмоқли. Вакилларимиз Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган айрим ҳужжатлар юзасидан О'zLiDeP позициясини аниқ ифодалаб, қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсияларини илгари сурмоқда. Ўтган йиллар мобайнида партия ташаббуси билан электорат манфаати акс этган бир қатор қонунлар қабул қилинган бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, фракция томонидан тегишли вазириликлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш соҳасида муайян ишлар олиб борилиб, тегишли мутасаддиларнинг ахборотлари фракция мажлисларида эшитилгани эътиборга молик.

Фракция томонидан республика бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунлар, давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирувчи бошқа муҳим масалалар юзасидан

асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўровлари юборилганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Электорат ишончини оқлашда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам фаол иш юритаётир. Улар томонидан ҳудудий ижро органлари раҳбарларига юборилган 210 мингдан зиёд депутатлик сўровининг 81 фоизи ижобий ҳал бўлгани таҳсинга лойиқ. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари томонидан ўтказилган йиғилишларда қарийб 40 минг мартаба ҳудудий ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Партиянинг иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғоялари қанчалик ҳаётий ва халқчиллигини ўтган давр яна бир бор исботлади. 20 йил ичида кичик бизнес субъектлари сони 80 мингтадан 520 мингга етди ёки 6,5 мартага кўпайди. Эътиборлиси, охириги 5 йилда ҳар йили 90 мингтадан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил топяпти. Йиллик саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса деярли 3 мартага ўсган – 2003 йилда 6 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 553 трлн. сўмдан ошган. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг йиллик етиштириш ҳажми 2,7 баробар ўсган. Ана шу натижаларга эришишда вакилларимиз ҳукуматга кўмакдош бўлгани эътиборга сазовор.

– О'zLiDeP қошидаги “Ёшлар” ва “Аёллар” қанотлари ишидан кўнглингиз тўлаптими?

– Ҳар қандай мамлакатда аёллар ва ёшлар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шу боис партиямиз улар билан тизимли ишлаш мақсадида ўз фаолиятининг дастлабки кезларидаёқ “Аёллар” ва “Ёшлар” қанотларини ташкил этганди. Шундан эътиборан партиявий вазибаларни амалга оширишда кўш қанотимизнинг таъсир доираси тобора ортиб бораётир. Бугунги кунда партия сафида 527 минг нафардан зиёд хотин-қизлар ва 710 минг нафардан кўпроқ ёшлар борлиги бежиз эмас.

Навқирон авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, замонавий касб-хунарларга йўналтириш, муаммоларини ўрганишга қаратилган “О'zLiDeP ёшлар минбари”, “Диплом билан бизнесга”, “Ёш олимлар лигаси”, “Менинг ғоям”, “Тадбиркорликка илк қадам”, “Ёш сиёсатчилар лигаси” каби лойиҳалар юз минглаб йигит-қизларни қамраб олган. Партиямиздан Ёшлар парламентида 53 нафар фаол аъзо сайланиб, улар ўзларининг сайлов округларида изчил иш олиб бораётганини ҳам қайд этиш керак.

Партия дастурида хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми ошириш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашга қаратилган чора-тадбирлар салмоқли ўрин эгаллаган. 20 дан ортиқ лойиҳалар орқали тегишли дастурий вазибаларимизни муваффақиятли амалга оширяпмиз. Бугунги кунда бошқарув соҳасида аёлларнинг улуши 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 47, иқтисодий ва саноатда 46, тадбиркорликда эса 37 фоизга етишида партияимизнинг сезиларли улуши бор.

– О'zLiDePнинг халқаро ҳамкорлик доирасидаги фаолияти ва чет эл партиялари билан алоқалари қандай йўлга қўйилган?

– Бу борада ҳам катта тажриба тўпланди, дейишга асосларимиз етарли. Кейинги етти йилда Ўзбекистоннинг прагматик ва фаол ташқи сиёсатида ҳамоҳанг равишда долзарб масалалар бўйича О'zLiDePнинг принципиал позициясини акс эттирувчи 318 та материал юртимиз ва хориждаги оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Масалан, О'zLiDePнинг халқаро миқёсдаги фаолиятига ICAPP (Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси) билан ўзаро алоқалари юқори нуқтага кўтарилгани ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган.

Чет эл партияларини изчил фаолиятимиз ҳақидаги ҳолис ахборот билан таъминлаш мақсадида турли мамлакатларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуси вакиллари билан тез-тез учрашиб турибмиз. Шундай саъй-ҳаракатлар туфайли О'zLiDeP Хитой коммунистик партияси, Озарбойжоннинг “Ени Азербайжан”, Туркиянинг “Адолат ва тараққиёт”, Россиянинг “Едина Россия”, Қозоғистоннинг “Аманат” партиялари билан қизгин ҳамкорлик қилмоқда.

– Истиқболдаги режалар...

– Бир жойда депсиниб туришдан ўзи сақласин. Шу маънода айтмоқчиманки, партияимизнинг дастурий мақсадлари, ғояларимизнинг халқчиллиги, мамлакат равнақига хизмат қилиши туфайли қозонилган ишончини янада мустақамлаштираемиз. Ана шу жиддий синовлардаги ғалабаларимиз О'zLiDePнинг жамиятдаги ўрнини, одамлар орасида қай даражада обрў-эътиборга эришганини аниқ-равшан кўрсатувчи барометр деб ҳисоблаймиз.

О'zLiDeP ўз дастурий вазибаларига содиқ қолган ҳолда кейинги фаолиятини “инсон – жамият – давлат” тамойили асосида ташкил этаверади. Эндилликда партия олдида Ўзбекистоннинг кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатнинг барқарор ва инновацион ривожланиш йўли бўйлаб янада жадал ҳаракатланишига кўмаклашишга қаратилган янги вазибалар турибди. Бутун куч ва имкониятларимизни Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида, Ватанимизни ҳар томонлама обод ва фаровон маконга, кучли демократик жамиятга айлантиришга йўналтираверамиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганининг 20 йиллиги – тарафдору маслақдошлар юбилеи барчамизга муборак бўлсин!



**Анорбой ЭШМАТОВ,**  
Ўзбекистон Қажрамони, Халқ депутатлари  
Жиззах вилоят кенгаши депутати

Эсимда, мустақиллигимизнинг дастлабки ўн икки йили ортида қилиб, фермерлик ҳаракати авж ола бошлаган паллалар эди ўшанда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини тузиш ғоясини илгари сурган ташаббускор гуруҳ аъзолари халқимизнинг келажаги тадбиркор ва ишбилармонлар қатлами шакллантириш, қишлоқ хўжалигида катта кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш эканини яхши англаб етишган эди.

Ташаббускор гуруҳ илгари сурган ғоялар қишлоқ хўжалигида суяги қотган кўллаб юртдошларимиз қатори мени ҳам бефарқ қолдирмади. Аксинча, анча йиллардан бери тўплаган тажрибамни баҳам кўрмоққа, ушбу ҳаракатни ҳар томонлама кўллаб-қувватламоққа ундади. Чунки ўша ташаббуслар келажақда малакатимиз тараққиётини белгилаб беришига ишонар эдим. Ўтган йиллар давомида бу ҳаракатлар ўз исботини топди. Партия илгари сурган ғоялар кенг жамоатчилик эътирофи сабаб бўлди.

Гоҳо ўтган даврга назар солар эканмиз, баъзи бир воқеа-ҳодисалар умр мазмунини белгилаб берганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўйлаб кўрсам, кейинги 20 йиллик ҳаётим, фермер сифатида, шу юрт фуқароси сифатида қилган саъй-ҳаракатларим бевосита партиявий фаолият билан узвий боғлиқ кечибди.

Баландпарвоз широрларга асосланган ғояларни халқимиз ҳеч қачон кўллаб-қувватламаган ва кўллаб-қувватламайди ҳам. Халқнинг ишончини қозонишни истаган сиёсий куч, авваломбор, кўпчилик-

нинг қалбидан ўрин олган, унга дилдан яқин бўлган ғояни кўтариб чиқиши керак. Аҳолини узоқ келажақдаги эмас, балки шу бугунги ҳаётини яхшилаш, эртанги кунига ишонч билан яшашига қаратилган дастурларни илгари суриш лозим бўлади.

Шу маънода сўнгги йилларда Президентимизнинг инсон қадри ҳақидаги эзгу ташаббуслари юртдошларимизни тўқинлантириб юборди. Одамлар шу юртда азиз ва муқаррам эканлиги, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, авваломбор, ўзлари ва уларнинг фарзандлари учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш, орзу-истакларини амалга оширишга йўналтирилганига ишонди.

Айни пайтда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этишга киришдик. Янада кенгрок халқ орасига кириб боришимиз, юртимизда кечаётган жараёнларга ўзимизни дахлдор ҳис қилиб яшашимиз лозим. Шундангина халқ эътирофи, раҳмати-га сазовор бўлаемиз.

Партия дастурида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив ва ирригацион объектлар тармоғини яратиш, сув ва ресурсларни тежовчи замонавий агротехнологияларни жорий этиш, экинларнинг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш каби вазифалар кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

## ТАШАББУСКОР СИЁСИЙ КУЧ

Жумладан, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, йирик сув хўжалиги объектларини рақамли технологиялар асосида бошқариш ташкил этилмоқда. Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш давлат томонидан рағбатлантирилмоқда. Шунингдек, трансчегравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатлар ривожланмоқда. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасида дўстона муҳит яратилиб, сув ресурсларини биргаликда бошқариш механизми жорий этилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида 4 миллионга яқин ишчи-хизматчи банд. Юртдошларимизнинг ярми қишлоқ жойларида истиқомат қи-



**Равшан МАМУТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси,  
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

лишини инobatта олсак, соҳа ривожини йўлидаги амалга оширилаётган ислохотлар партия широрига монанд – “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади” тамойилининг ҳаётдаги ифодасидир.

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ КЕРАК

“Сиёсий партиялар ходимлари партия ишида тобланиши, шундан сўнг давлат органлари ва ҳокимликлар тизимидаги турли лавозимларга, жумладан, депутатлик лавозимларига асосий захира бўлишлари даркор. Бу партияда ишлаш учун асосий омил ва рағбат бўлиб хизмат қилиши керак”.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда қилган танқидий-тахлилий маърузасини тинглаб ўзимга аниқ режалар, мақсадлар белгилаб олганман. Юқоридаги ибратли сўзлар ҳар биримиз учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтаб келаётгани ҳам ҳақиқат.

Партия тизимида ишлар эканман, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, барча соҳа вакиллари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни кўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда катта тажриба мактабини кўрдим.



**Шарапат ОТЕМИСОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи  
Кенгеси қўмита раиси, Жўқорғи Кенгес депутати

Парламент, Президент сайловларида иштирок этиб, партиямизга халқнинг ишончи қанчалик баландлигини сездим. Чин маънода халқчил сиёсий куч сифатида иш юритиб келаётганимиздан фахрланаман.

О'zLiDePнинг бир оддий аъзоси сифатида Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилишда барчага омад тилайман!

## ҚОНУНЛАРГА КЎЧАЎТГАН МАҚСАДЛАР

Партиямиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни тўла-тўқис амалга оширишда Қонунчилик палатасидаги фракцияси салмоқли ҳисса кўшиб келаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Депутатлар парламентда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан О'zLiDeP позициясини ифодалаб, кўллаб асосли тақлифларни илгари сурдилар. Ҳар йили бизнинг сиёсий куч ташаббуси билан электротизимиз манфаати акс этган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилипти. Уларнинг аксарияти кучга киратгани қувонарли, албатта.

Масалан, 2020 йили фракция томонидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда “Томорқа хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонун лойиҳалари тайёрланди. Шунингдек, “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”

ҳамда “Кластерлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаларининг дастлабки вариантлари ишлаб чиқилдики, уларнинг мазмун-моҳияти партия дастурларида ҳам ўз аксини топган.

Бир сўз билан айтганда, партия фракцияси аграр масалалар, сув хўжа-




**Барно МИРЗАМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

лиги, кластерлар билан ишлаш, фермерларга имконият ва имтиёзлар яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қўйинги, халқимиз фаровонлиги, бозорларимиз тўқинлиги йўлидаги хайрли ишларда доим бош-қош бўлиб келмоқда.

## ЁШЛАР – БИЗНИНГ ҚАНОТИМИЗ

Ҳаётнинг ўзгариб туриши ёшларни жамиятга мослашиш, ҳаётини нўқтаи назарини аниқлаб олиш, келажақ режаларини қуришга ундамоқда. Ёшларнинг муаммолари ечимини топиш, ижтимоий манфаатлари, эҳтиёжлари, орзу-умид ҳамда режаларини белгилаб олиш, бу борада изчил ислохотларни амалга ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, десак айни ҳақиқат.



**Шаҳноза ХОЛМАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганининг 20 йиллигини сарҳисоб қилар эканмиз, айни йўналишларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси ҳамда партиямиз томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, ҳудудларда бўлиб ўтаётган сайловчилар билан учрашув ва мулоқотларда ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Улар кўтариб чиқаётган муаммоларни жойида ҳал этиш партиямизнинг асосий фаолият йўналишларига айланган.

Президентимиз ташаббуси билан жуда ноёб тизим – “Ёшлар дафтари”ни юритиш амалиётга киритилдики, бу ҳам навқирон авлод вакилларининг орзу-умидлари рўёбида ўзига хос ўрин тутаяпти. Ушбу тизим фаолиятида ҳам О'zLiDeP аъзолари фаоллик кўрсатмоқда.

Дарвоқе, парламент қуйи палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти шакл-

лантирилгани ҳам ёшларга оид давлат сиёсатини юритишда муҳим қадам бўлди. Айни пайтда ушбу тузилмага аъзо ўғил-қизлар тенгдошларининг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашаётим.

Яна бир йўналиш, бу – ёшлар таълими бўлиб, пухта билим бериш билан боғлиқ. Кейинги йилларда давлат билан бирга нодавлат, хусусий боғча, мактаб, олий таълим муассасалари фаолияти кенгайтирилди, кенг имконият ва имтиёзлар берилди. О'zLiDeP сайловолди дастуридаги вазифаларнинг бири ҳам айнан таълимни ривожлантиришга оидлиги маълум.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан барча сафдошларимизга келгусида ҳам Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида, сайловчилар ишончини қозонишларида улкан муваффақиятлар тилайман.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ...

Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан партиявийлик тизими билан чамбарчас боғлиқ. Чунки сиёсий кучлар ўзаро рақобат қилар экан, улар ўз мақсад ва вазифаларини амалда рўёбга чиқариш учун, аввало, ўз электротизимига эга бўлиши лозим.

20 йил, албатта, оз мuddат эмас. Партиямиз катта ва жиддий синовлардан ўтиб, ўзининг сайловолди дастурида биринчи ўринда хусусий мулкни, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат мулкни босқичма-босқич хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишни асосий мақсад қилиб қўйганди. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини кiritиш, давлат-хусусий шериклик муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашини кескин камайитириш, хусусий

мулкнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланиш борасида ижобий ишларни амалга оширди.

Ўз электротизимини манфаатини кўзлаб, бир неча маротаба парламент сайловларида фаол қатнашди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлиб, бозор иқтисодиётини эркинлаштиришга қаратилган қонунларни қабул қилишга эришди. Шу туфайли тадбиркорларда партиямизга ишонч янада кучайди. Бу эса сафимизга кўпайишига – 1 миллиондан ошишига замин яратди.

Бироқ олдинда турган вазифаларимиз бундан-да улуғвордир. Чунки 2024 йилда можаритар-пропорционал, яъни аралаш сайлов тизими бўйича бўлиб ўтадиган парламент сайловлари партиялар ўртасида сиёсий рақобатни янада кучайтиради. Айнан шунинг учун ҳам қайси сиёсий кучнинг сайловолди дастури халқчил бўлса, шунга қараб халқ олдида обрўга эга бўлади. Бу эса охир-оқибат сайловларда ғалаба қозонишга имконият яратади.



**Шўҳрат БАФАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'zLiDeP фракцияси аъзоси



## БУ БАЙРАМГА ЕТГАНЛАР БОР...

**Бундан роппа-роса 20 йил муқаддам Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси жамиятимиздаги мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, жамоат ташкилотлари ва ишлаб чиқариш вакиллари, фермерлар, ижодкорлар, олимлар ва барча фуқароларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилот сифатида майдонга келган эди.**

Ана шу қисқа, лекин салмоқли давр ичида Андижон вилояти кенгаши томонидан ҳам улкан ишлар амалга ошганини бугун фахр билан тилга олсак арзийди. Ҳақиқатда қисиниб, қимтинибгина “Мен ҳам шу партияга аъзо бўлсам қабул қилишармикан?” деб келган оддий тадбиркор, ўқув маркази раҳбари бугун йирик ишлаб чиқариш устаси, етакчи компания директори, кластер раҳбари, бренд маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона эгаси, йирик сармоядор ва сиёсий лидерга айланди. Ёки партиянинг унлаб истиқболли лойиҳалари асосида ташкил этилган катта-кичик сиёсий тадбирлар, уchrashув, мулоқотлар ҳамон кўпчилигининг асидан чиқмайди.

Муболағасиз айтиш мумкин, O‘zLiDeP фаоллари замон қаҳрамонлари сифати майдонга чиқмоқда. Бу ҳаётини ҳақиқатини зўр мамнуният ва фахр-ифтихор билан айтиш мумкин. Улар нафақат ўз йўналишларини ривожлантиришда, балки вилоятимиздаги қатор фермер хўжалиқлари, тадбиркорлик субъектлари, яқна тадбиркорларга яқиндан кўмак бериб, ҳамкорлик алоқаларини боғлаган. Бу вилоятимизда мулкдорлар синфининг ортиб боришига, тадбиркорлар сафининг тобора кенгайишига, партияимиз тарафдорлари кўпайишига хизмат қилмоқда.

Албатта бу кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам бор. Бу ҳаёт синовларидан мардонга ўтиб, ушбу сиёсий куч нуфузини ошириш, салоҳиятини



юксалтиришда ҳалол хизмат қилиб келаётган Баликчи тумани кенгаши раиси Моҳидилхон Тўхлиева, Марҳамат тумани кенгаши раиси Бахтиёржон Абдуллажонов, Андижон тумани кенгаши раиси Нодирбек Маликов, Избоскан тумани кенгаши аппарат раҳбари Зуҳрохон Ҳайдарова, Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси Рустамбек Тўрахонов ва бошқа маслақдошларимизни фахр билан тилга олишимиз лозим. Ортимиздан эса кучли, билимли ва иқтидорли ёшлар келаётганидан кўнглимиз тўқ, Ҳар кунимиз байрам бўлсин!

**Хуршида ХАЛИЛОВА,**  
O‘zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси,  
Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

**Бундан йигирма йил олдин бир гуруҳ ташаббускор гуруҳ аъзоларининг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини тузиш, бундай ҳаракатнинг сиёсий саҳнага чиқиб келишига қандай зарурият бор эди, деб менадан кўпинча ёшлар сўраб қолишди. Жуда ўринли савол. Тўғрими?**

## КУНЛАР ҲАНИМАТ, ЙИЛЛАР ҲАНИМАТ

Эслайлик, собиқ иттифоқ даврида узоқ йиллар давомида қотиб қолган сиёсий қарашлар мамлакатнинг иқтисодий йўлини белгилаб берди. Етмиш йил давомида одамлар онгига сингдирилган – инсонга, жамиятга, ишга, давлатга, айниқса хусусий мулкка бўлган қарашлар иқтисодийда хўжасизлик, лоқайдлик каби иллатларни келтириб чиқарди. Ҳайбаракаллачилик, ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир хил машаққат олиши меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қилди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккахокимлиги ўрнатилди.

Шунингдек, мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини кўп жиҳатдан унинг иқтисодий барқарорлигини белгилаб беришини унутмаслик керак. Гарчи, 2003 йиллари мустақилликка эришганимизга эндигина ўн йилдан ошган бўлса-да, собиқ тузум қолиплари тушиб қолган иқтисодийликнинг, энг муҳими, одамлар онгига, тафаккурда меҳнатга, мулкка бўлган муносабатни кескин ўзгартириш талаб қилинарди.

Халқимизнинг қонида бор ишбилармонлик, тадбиркорлик хислатларини қайта уйғотиш, унутилмаган ҳунармандлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларда асрлар давомида шаклланган анъаналарни жонлантириш давр талаби эди.

Буни яхши англаган халқимиз, кенг жамоатчилик, эндигина шаклланиб келаётган тадбиркорлар, фермер ва хусусий бизнес вакиллари айнан O‘zLiDeP тимсолида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладиган сиёсий кучни кўришди.

Қувонарлиси, бу ишонч йилдан йилга мус-



таҳамланиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби, депутатларимиз, партия фаолларининг аҳиллик билан мамлакатда кечаётган ҳар бир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этаётганидир. Лекин катта-кичик ютуқларимиз хотиржамликка берилишимизга асос бўлмайди. Аксинча, янада кўпроқ ҳаракат қилишга, фидойилик кўрсатишга ундайди.

**Норқул НУШАРОВ,**  
Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати,  
Фахрийлар кенгаши аъзоси

## ТАЖРИБА МАКТАБИ ЯРАТИЛДИ

**Тўғри, партиянинг шаклланиш, халқ ишончини қозониш ва ривожланиш босқичлари енгил кечгани йўқ. Бошқа сафдошларим ва маслақдошларим қатори менинг ҳам қалбимда O‘zLiDePнинг эртанги кунига юксак ишонч ушандаёқ мустаҳкам эди. Ўтган йиллар мобайлида амалга оширилган салмоқли ишларга назар ташласангиз, Беруний тумани мисолида ҳам бу борада сезиларли натижаларга эришилганига гувоҳ бўласиз.**

2004 йилнинг бошида туман бўйича 1 000 нафар O‘zLiDeP аъзоси рўйхатга олинган бўлса, 2023 йилнинг 9 ойлик натижаларида бу кўрсаткич 5 000 нафарга етди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 20 тадан 64 тага кўпайди. Жойлардаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари самараси ўлароқ барча йўналишларда ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Сиёсий кучнинг “Аёллар қаноти” томонидан ишлаб чиқилган “Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага”, “Соғлом оила – мустаҳкам оила”, “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори” сингари самарали лойиҳалар, айниқса, “Ишбилармон аёл” кўрик-танловида ғолиб бўлган берунийлик хотин-қизларнинг қўллаб-қувватлаш вакиллари жамиятда ўз ўрнини топиб улгурди. Яна бир эътиборли томони, маҳаллий кенгаш депутатлари кўмагида маҳаллалардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор шахслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган аёллар ва ёшларга



қўмаклашилаётгани қутулган натижаларни бермоқда. Мухтасар қилиб айтганда, 20 йил биз учун ўзига хос синов ва ибратли тажриба мактабини яратиш даври бўлди.

**Раҳима ЙЎЛДОШЕВА,**  
O‘zLiDeP Беруний туман кенгаши аппарат раҳбари, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати

# МАҚОМИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

**Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши раиси Ислом Файзуллаев билан айна байрам арафасида учрашиб, аввало, маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти, сиёсий куч аъзолари сонининг ошириб бораётгани хусусида суҳбатлашдик.**

**– Вилоят миқёсида оладиган бўлсак, сиёсий партиялар орасида O‘zLiDePнинг етакчилик мавқеи қай даражада деб ўйлайсиз?**

– Оддий арифметикани қаранг: масалан, маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган охириги сайловларда бизнинг партияимиздан вилоят кенгашида 21, шаҳар ва туманлар кенгашларида эса 149 депутатлик ўрнига эга бўлганимиз кичик натижа эмас. Албатта сиёсий майдонда рақобат, мurosасиз курашлар бўлиши табиий. Шу маънода етакчилик ортида жиддий масъулият ва шарафли вазифалар ҳам етганини англаш қийин эмас.

**– Сон ва сифат уйғунлиги, яъни халқ ноиблари фаоллиги нималарда намоён бўлмоқда?**

– Очиғи, мақтаниш ёшидан ўтганман. Агар имкон тополсангиз, Халқ депутатлари вилоят кенгашида депутатлик гуруҳимиз йиғилишлари ёки ўтказиладиган сессияларда бир қатнашиб, кузатинг. Ўзингиз гувоҳи бўласиз вакилларимизнинг куйинчаклигига. Бирор киши бефарқ ўтиролмайди. Кун тартибига қўйиладиган масалалар муҳокамаси ҳар доим қизгин тортишувлар, баҳс ва мунозаралар руҳида ўтади.

Узоққа бормаёлик-да, ўтаётган йилнинг ҳозирги даврига депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан вилоят кенгаши сессияларида бешта масала киритилиб, шу борада тегишли тартибда қарорлар қабул қилинишига эришилгани юқоридаги гапларимга ўзига хос исбот бўлади деб ўйлайман. Улар орасида давлат дастурлари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш, шунингдек, нисбатан шимолий ҳудудда жойлашган воҳа аҳлининг қиш мавсумида қутулмаган қийинчиликларга дуч келмаслигининг олдини олиш учун масъул бўлган идора ва ташкилотлар раҳбарлари эътибор қаратиши зарур бўлган бирламчи вазифалар ҳам бор эди.

Шу ўринда мавзуга дахлдор яна бир мисолни келтириб ўтмоқчиман: Урганч туманидаги Чўлобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Урганч шаҳри ҳамда туманнинг аҳоли хонадонларидан чиқадиган қаттиқ ва маийши қийиндиларни жойлаштириш учун махсус полигон бор эди. Бу жой аҳолининг яшаш ҳудудига яқинлиги, одамлар соғлигига зарар етказиши эҳтимоли юқорилигидан фуқаролар норозилигига сабаб бўлаётганди. Бу оғрикли муаммони халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқдик...

**– Биринчи навбатда юксак ишонч билдирилиб, сайланган одамлари манфаати ҳимояси йўлида беминнат хизмат қилаётган, айна пайтда партия кенгаши билан яқин ҳамкорликда ишлаётган фаол депутатлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Бундай мезон талабларига жавоб берадиган депутатларимиз кам эмас. Ана шундай вакилларимиздан Мадраҳимбой Мадримов, Фароҳат Саъдуллаева, Шавкат Сафарбоев ҳамда Гавҳаржон Ибодуллоева каби вилоят кенгаши депутатлари номини алоҳида таъкидлаб ўттишим мумкин. Қолаверса, шаҳар ва туман кенгашларида ҳам чин маънода депутатлик мақомига мос инсонларимиз ҳам жуда кўп. Асосийси, сайловчилар ишончи ва меҳрини қозониш ҳар кимга-да насиб этавермайди. Буниг учун виждонли ва ҳалол бўлиш шарт.

**– Маълумотларни кўздан кечиравтиб, қизиқ бир рақамга гувоҳ бўлдим. У ҳам бўлса, сиз партия вилоят кенгашига раис бўлиб сайланганингизда вилоят миқёсида ҳисобланганда 59 минг нафар аъзо бор экан, тўғрими?**



**Эътиборли жиҳати шуки, сўнги тўрт йилда уларнинг сони яна эллик минг нафарга ошибди. Айтинг-чи, бундай ўсишга қандай эришяпсизлар?**

– У тадбиркорми, шифокорми ёки бошқа касб эгасими, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга ўзини дахлдор, бевосита иштирокчисман, деб билиши энг муҳим. Бу фуқароларнинг сиёсий онги ва фаоллиги ошганини белгилайдиган ҳолат. Масалан, тўрт йил олдин “ЎзАвтоМотор” Хоразм филиалида 200 нафар партияимиз аъзолари бор эди. Ҳозирги кунда уларнинг сони икки мингдан ошди. Истиқболда ушбу санат корхонасидан яна юз эллик нафар ишчи ходим партияимизга аъзо бўлиб кириш ниятида.

**– Ислом оға, ўрни келди, энди сўрамоқчи эдим, билишимча, ўтган даврда партиядан сайланган туман депутатларидан икки нафари мuddатидан олдин чақириб олинган экан. Бунга нима сабаб бўлди?**

– Сабаби оддий, яъни депутатлик вазифасини удалай олмагани, партия кенгаши билан алоқани узганликлари учун шундай қарорга келишга мажбур бўлдик. Бу айна пайтда бошқа депутатларимиз учун сабоқ ҳамдир. Чунки одамлар шунча номзодлар орасида сенга ишониб, овоз бераётгани, бу шарафли мақомни оқлаш ҳам керак-ку! Шולי курмасиз бўлмайди, деган гап жуда тўғри эканлигини ана шу мисол ҳам исботлаб турибди. Энди замон ўзгарди, талаб бошқача. Номига депутатлик нишонини тақиб, мақтаниб юрадиган даврлар ўтиб кетди.

Олдинда яна бир жиддий синов турибди. Бу янги йилда бўлиб ўтадиган янги сайловлар билан боғлиқдир. Энди депутатликка бўлган номзодларни танлаш ва саралашда юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмаслиги, партия ишига садоқатли, халқ орасидан ўзини ҳар томонлама намоён қила олган, сайловчилар ишончини қозонишга муносиб номзодларни кўрсатишимиз лозим бўлади.

**– Яна бир қувончли томони, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самараси десак арзийди, бугун вилоятда тадбиркорлар сони ҳам кундан-кунга ошиб бораётган экан. Биламизки, бу партия-**

**нинг биринчи навбатдаги вазифаси тадбиркорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги беш қўлдек аён. Хўш, шундай экан, электорат вакиллари билан ҳамкорлик қай даражада?**

– Яна рақамларга мурожаат қилмас: бугун Хоразмда 35 минг нафардан зиёд тадбиркор фаолият юритмоқда. Табиийки, бу рақам ҳар ойда ўзгариб боради, яъни ўсади. Тадбиркорликни энди бошлаётган ёшлар учун мунтазам равишда семинарлар, амалий кўргазмали тадбирлар ташкил қилинади. Уларда номдор тадбиркорлар иштирок этиб, бошловчи ҳамкасбларига ўзларининг бой тажрибалари ҳақида маҳорат сабоқлари ўтишмоқда, амалий ёрдамларини кўрсатишяпти. Бу борада ҳам депутатларимиз фаол эканликларини яна бир қарра қайд этишим керак.

**– Сиз билан яна бир муборак сана – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганига 20 йил тўлаётган дамларда суҳбатлашяпмиз...**

– Биласиз, иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқилса, аҳолининг камида етмиш беш фоизи ўртаҳол қатлам ҳисобланган жамиятларда кескин ўсишлар кузатилади. Бу кўп бора кузатилган ва исботланган ҳақиқат. Энди ўзимиздан қийс: бугунги кунда бизнинг партияимиз электорати ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес вакиллари айнан ана шу қатламнинг ўқ илдизини ташкил қилади. Демак, уларнинг сонини ошириб, қўлайитириб бориш орқали мамлакатимизда исчи давом этаётган иқтисодий ислохотларимиз самарадорлигини таъминлай оламиз. Ана шундай машаққатли ва шарафли йўлда ўзларининг камтарин хизматлари билан халқимиз ва Ватанимиз манфаатини барча нарсадан устун билади-ган, келажакимиз учун ўзига хос маёқ, кўприк вазифасини ўтайдиган Учинчи Ренессанснинг тамал тошини қўяётган партияимизнинг бир миллион нафардан ошаётган барча аъзоларини ушбу унутилмас айём билан самимий табриклайман. Юртимизнинг келиб, осойишта, халқимиз соғлом ва фаровон, дастурхонимиз тўкин бўлмоғини Яратгандан тилайман.

“XXI asr” мухбири  
Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.

# АДАБИЁТ БАЙРАМИ, ҚАДРИЯТ БАЙРАМИ

Туркий халқлар орасида ўзига хос бой ўтмиши, маданияти ва санъати билан танилган қорақалпоқларнинг ҳавас қилса арзигulik адабиёти борлигига асло шубҳа йўқ. Оролбўйи ва Амударё соҳилларида яратилган, асрлар оша янграб келадиган халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналари, лапарлар, термалар, қахрамонлик достонларини билмайдиган ўзбек ҳам топилмайди, десак янглишмаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида бу элнинг серқирра истеъдод соҳиблари, бетақор ва мафтункор адабиёти ва санъати ҳақида самимий фикрларни билдириб, мамлакатимиз бўйлаб Қорақалпоқ адабиёти кунларини ўтказиш ташаббусини илгари сурганидан хабардоримиз. Шу маънода 9-11 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов

ратли ёзувчи Темирғулат Тиллаев бошқариб борганидан суюндик. Нега десангиз, аксарият ижодий учрашувларда тўтиқушифат бошловчилар на адабий савия, на маънавий саводхонликка эга бўлади ва оқибатда пойинтар-сойинтар гапларни тўқиб, баккана қилиқлари билан муҳлислар асабини бузиб қўяди. Ушбу мулоқот эса асл адабиёт байрамига айлангани учун ҳам юксак савияда ўтди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ёзувчилар уюшмаси раисининг



БАТАН САРҲАДЛАРИДА



бошчилигидаги бир гуруҳ қорақалпоқ адибларининг қадам ранжида қилишлари бежиз эмас эди.

Меҳмон кутиш ҳадисини олган воҳалик мезбонлар тузган сафар дастурини бир кўр кўздан кечиранган: Қарши давлат университетида учрашув, Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби билан танишув, Ислол оламнинг улуғ вакили, Мотуридия таълимнинг машҳур намояндаларидан бири Абу Муин Насафий зиёратгоҳига саёҳат, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида ижодий мулоқот, шунингдек, ушбу тадбирлар доирасида қорақалпоқ адабиётининг тоғмас тарғиботчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири, таржимон Рустам Мусурмоннинг олтиш йиллик тантаналари, таниқли ёзувчи, кинодраматург Гафур Шермухаммаднинг “Марди майдон” китоби тақдими ва яна...

Хуллас, вилоят ҳоқими имзо чеккан дастурдан ўрин олган ижодий мулоқот, кизиқарли мушоира кечалари, зиёрат-томошалар жуда пухта ўйланган экан. Бунинг исботини уч кунлик сафаримиз давомида кўрдик, гувоҳи бўлдик.

Қарши давлат университетида Қорақалпоқ адабиёти кунларининг тантанали очилиш маросимини бирор бошловчи ё даврақаш эмас, аксинча, қашқадарёлик маҳо-

маслаҳатчиси, шоир Салим Ашур меҳмонларни бирма-бир таништирар экан, ҳар бирага алоҳида таъриф бериб чиқди. Шундан сўнг университет саҳнасида Ватанимизнинг бир бўлаги ҳисобланмиш бетақор заминнинг, оташнафас қорақалпоқ халқининг сирли ва бой ўтмиши, бугунги куннинг яратувчанлик руҳи билан соҳир овозини олиб келган ижодкорлар айтган самимий дил сўзлари, бахшиёна оҳангларида янграган ижод намуналари кўнгилларни беҳад шод этди.

Қашқадарё вилоят ҳоқими Муроджон Азимовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини давлат тили масалалари бўйича ҳоқим маслаҳатчиси, шоира Зиёда Аминова ўқиб эшиттирганида меҳмонлар ҳам бундай эътибор ва эҳтиром учун миннатдорлик изҳор этишди. Қорақалпоғистонлик ижодкорлар сардори Кенгесбой Каримов давлат раҳбари томонидан билдирилган бундай хайрли таклиф ва ташаббуснинг бошқа ҳудудларда бўлгани каби азалдан туркий адабиёт майдонига улуғ шоир ва адибларни тарбиялаб йўллаган олтин воҳада ҳам тўла кўллаб-қувватланаётганидан мамнунлигини қувониб сўзлади.

Тадбир ниҳоялаб бораётган маҳал саҳнага Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуқаҳҳор Раҳимов чиқиб келди-да, халқона термалардан куйлади ва байрам кечаси иштирокчилари бўлмиш қорақалпоқ адибларини



мадҳ эта кетди. Қарсақлар янгради...

Қондош халқ адабиёти вакиллари Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов ижод мактабига ҳам бордилар. Афсонавий шоир ҳайкали қошида кизгин суҳбат яна давом этди. Мактабда ташкил этилган музейдаги ижодкорнинг адабий меросига доир ноёб экспонатлар меҳмонларни ҳайратга солди. Абдулла Орипов ҳаётлик даврида ўзининг хос шоғирди сифатида эътироф этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Генжамурод музейни томоша қилаётиб, киприқлари намланди...

Меҳмонлар воҳанинг муҳташам зиёратгоҳига чорланди. “Шом тушмасидан

дим Кеш – ҳамisha навқирон Шаҳрисабз бўлди. Оқшом чўкаётган маҳал кўҳна шаҳарнинг фарахбахш манзараси ҳаммани мафтун этди. Эртаси куни Амир Темуր майдонини зиёрат қилишга чоғландик. Кўкғумбаз, Дор ут-тиловат ва Дор ус-сиёдат, Оқсарой мажмуалари, буюк соҳибқироннинг муҳташам ҳайкали... “Яшил шаҳар”ни бир кунда айланиб чиқиш осон эмаслигини англаган меҳмонлар кўшни Китоб туманида бошланаётган галдаги учрашувга шошилдилар.

Шунча олисдан ижодкорлар келганини эшитиб пешвоз чиққан фидойи инсон, таниқли археолог олим, тарих фанлари доктори, Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхона-



Адабиёт кунлари доирасида қадим воҳага ташриф буюрган Кенгесбой Каримовдан бошлаб Қорақалпоғистон халқ шоири Халила Давлетназаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Генжамурод, адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Қувончбек Ўразимбетов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчилари Алланазар Абдиев ва Олтиссой Султонов (Алп Султон), шоирлардан Ўрозбой Сатбаев, Абулқосим Утепбергенов, Ривож Ўтарбаевгача, бари-бариси шу кунни Рустам Мусурмонга чин кўнгилдан раҳмату олқишлар айтишди. “Рухимнинг товуши”, “Хиргойи”, “Бозбарак”, “Бир жуфт сўз” каби қатор шеърлий тўпламлари, “Муқанна” қиссаси, рус ва қорақалпоқ адабиётининг таржуманлари билан икки халқнинг ардоқли шоирига айланган инсонга бундан ортиқ яна қандай муқофот керак, айтинг!

Элдошлари қаршисида билдирилган самимий эътирофлар шоирни янада юксак манзилларга элтмоғига шубҳа йўқ, дегим келадди. Учрашув тугаган бўлса-да, мезбонларнинг хайрлашгиси келмас, имкони бўлса, яна оташнафас шоирлар Бахтиёр Генжамурод, Ўрозбой Сатбаев, Ривож Ўтарбаевдан шеърлар эшитасиз дейишарди...

Қорақалпоғистонлик кадрдонларимиз иштирокида ўтган кутлуғ байрам таассуротлари ҳамма ёқда овоза бўлди. Ниҳоят, қорақалпоқ адабиёти кунларининг якуний қисми Шаҳрисабз давлат педагогика институтида ўтказилди. Мазкур институт ректори вазифасини вақтинча бажарувчи Жамшид Шоназаров сўз олиб, бундай маърифий учрашувлар халқимиз орасида китобга, адабиётга, дўстлик ва эзуликка меҳрини чандон оширишини таъкидлади.

...Олис Оролбўйидан йўлга чиққан маънавият элчилари сардори Кенгесбой ога Каримов “Бовурларим, қондошларим, энди сизларни Қорақалпоқ қазинида кутамиз!” дея ҳаммамиз билан Шаҳрисабз тупроғида кучоқлашиб хайрлашди!

Норқобил ЖАЛИЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Суратларни Аҳмад ТўРА ва  
Темуր ОРЗИЕВ олган.



аввал тезроқ улгурсак савоб бўларди”, деб қўяди ташкилотчилардан бири. XI-XII асрларда яшаб ўтган Абу Муин Насафийнинг Президентимиз ташаббуси билан обод этилган муҳташам мажмуасидаги қадимий масжид, асрий тут оғоч, алломанинг мақбараси, музей зиёратидан кўнгиллар шодмон бўлди.

Сафарнинг иккинчи куни Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори Орифжон Бозоров минг қақиримдан кўпроқ йўл босиб келган азиз меҳмонлар учун кутилмаган “сюрприз” тайёрлабди: илм даргоҳи ҳовлисида бир гуруҳ қорақалпоғистонлик талаба ёшлар қалдирғочлардек тизилиб туришган экан. Ҳаяжонли лаҳзаларни тасвирлаш осон эмас. Улар сеvimли адибларини кучоқ очиб кутиб олишди. “Фақат сиздан илтимос, ректор оғам, бу йигит-қизлар бизнинг олтин захирамиз. Ўқиниши битиргач, ўз қадрдон овулларига қайтиб борсин. Бугун чин маънода ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланган гўшаларимизни обод қилмоқ учун ҳалол хизмат қилсин”, деди Қорақалпоғистон халқ шоири Халила Давлетназаров.

Ичкарида яна ажойиб гурунлар давом этди. Қорақалпоқ адибларининг китоблари тақдирот қилиниб, даврага муаллифларнинг ўзлари ҳам таклиф этилди.

Дастурга биноан навбатдаги манзил қа-

си бош директори Наби Хушвақтов билан энди қизиётган суҳбатимиз чала қолди...

Қорақалпоқ адиб-шоирларининг кадрдон дўсти, жигарбандига айланган дилбар шоир, таржимон Рустам Мусурмоннинг олтиш йиллик юбилейига бағишланган тадбир адабиёт кунларига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Шу кунни Рустами “Достон” ҳам жўшиб кетди, юраги ҳарпикди, кўзлари намланди. Нега демайсизми?

“Менинг кимлигимни эл билса бўлди”, деганида машҳур шоир Омон Матжон минг карра ҳақлигига Китобда ўтган ижодий кечада яна бир бор амин бўлдим, дўстлар! Чунки сени азиз деб билган, қадрлаган заминда хотиралар уйғонар экан, армонлар йўғлар экан. Айниқса, Рустам Мусурмонга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берган биринчи устози Майна ая Тўраеванинг соф ўзбекона, жайдари лутфлари қалбларни ларзага солди. Яна бир муаллими Улаш ака Тўйчиевнинг ўз шоғирди ҳақида тўлқинланиб айтган дил сўзларини қарсақлар босиб кетди...

Бу даврада ўзбек ва қорақалпоқ халқлари учун бирдек қадрли Ажиниёз, Кунхўжа, Бердак, Жиян жирилов, Ўзбекистон Қахрамонлари Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов ва яна бошқа ўнлаб туркий адабиёт намояндalари фахр билан тилга олинди.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шўхрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД  
Аҳдам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.  
Буюртма рақами: Г – 1145  
Адади: 9145  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Топширилди – 22:50

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА